

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОВ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Пўлатов Баҳодир Абдуназарович

Термиз давлат университети Юридик факултети

"Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш билан боғлиқ қонунчилигини ҳуқуқий таҳлил қилинган. Бундан ташқари ушбу мақолада мамлакатимизда ов қилиш ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ов қилиш, ов, қонунчилик, ов хўжалиги, ҳуқуқий таҳлил, legal hunting, овчилик, биохилмахиллик

ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, СВЯЗАННОГО С ОХОТОЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен правовой анализ законодательства Республики Узбекистан, связанного с охотой. Кроме того, в этой статье отдельно затрагиваются 14 нормативных документов, регулирующих охоту и связанные с ней отношения в нашей стране.

Ключевые слова: охота, охота, законодательство, охота, правовой анализ, легальная охота, охота, биоразнообразие

LEGAL ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN RELATED TO HUNTING

ABSTRACT

This article provides a legal analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan related to hunting. In addition, this article separately touches on 14 regulatory documents regulating hunting and related relations in our country.

Keywords: hunting, hunting, legislation, hunting, legal analysis, legal hunting, hunting, biodiversity

КИРИШ

Мамлакат ва унинг халқи ривожланиши учун Биохилмахилликнинг аҳамиятини тўла тушуниб етиш учун, энг аввало, мазкур тушунчанинг мазмун ва моҳиятини билиш керак. "Биохилмахиллик нима?", деган саволга кўпчилик

бу “табиат” ёки “ёввойи ҳайвонлар” деб жавоб беради. Аммо, Биохилмахиллик анча кенг тушунча бўлиб, у ҳаётнинг барча турларини ва сайёрамизда мавжуд барча табиий тизимларни ўз ичига олади.

Биохилмахиллик турғун тушунча эмас. У табиат барча биологик қисмларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишини тан олади. Кўпинча мазкур тушунчанинг уч даражаси фарқланади: турларнинг биологик ранг-баранглиги – барча ўсимликлар ва ҳайвонларнинг, шу жумладан турли бактериялар ва микроорганизмларнинг ранг-баранглиги; генетик ранг-баранглик – турлардаги генетик материалнинг ранг-баранглиги ва уларнинг ўртасидаги Биохилмахиллик; экологик тизимларнинг ранг-баранглиги – экологик тизимларнинг бойлиги (масалан, тоғ ўрмонлари, чўллар ёки саванналар, саҳролар ва денгизлар ва ҳ.к.). Бу уч даража жамулжам ҳолда Биохилмахилликни ташкил этади. Шу сабабли мазкур даражаларнинг ҳар бирини асраш умуман Биохилмахилликни асраш учун муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Ўзбекистон фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 706 тури (сут эмизувчилар – 107, қушлар – 460, судралиб юривчилар – 64, амфибиялар – 3 ва балиқлар – 76) мавжуд, умуртқасиз ҳайвон турлари эса 15 мингдан ортиқ. Сўнгги ўн йил давомида табиатдан фойдаланишнинг кучайиши оқибатида, Ўзбекистондаги кўплаб ҳайвон турлари кучли антропоген таъсир остида қолиб, уларнинг яшаш жойлари ва сони қисқарди, баъзилари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Муҳофазага муҳтож ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларидан Ўзбекистоннинг Қизил китобига кенжа турлар билан биргаликда сутэмизувчиларнинг 30, қушларнинг 52 тури, судралиб юривчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 18 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 15 тури ва бўғимоёқлиларнинг 67 тури киритилган.¹ Ушбу маълумотлар эса оа қилиш ва ҳайвонлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқи тартибга солишнинг қанчалик зарур эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан бирга ушбу статистик маълумотлар илмий мақоламиз мавзусининг қанлик долзарб эканлигининг исботидир.

Ушбу муносабатларни ҳуқуқий жихатдан тартибга солишнинг такомиллаштириш эса мақоламизнинг асосий мақсадидир.

Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни, ов қилиш ва ов ҳўлаиғига оид муносабатлар жараёнида вужудга келувчи ҳолатларни ўрганиш ҳамда бу

¹ <https://uznature.uz/yz/site/news?id=996>

борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни ривожланишини таҳлил қилишдир.

Қўлланилган методлар сифатида мантикий, тарихий-қиёсий, индукция ва дедукция, таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, статистик маълумотлар таҳлили каби методлар, шунингдек, ҳозирги кунда ов қилиш соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилидан иборатдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда ов қилиш ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб улар Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг ов қилиш ва табиат билан боғлиқ муносабатларини тартибга солиш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳамла куйида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини келтириб ўтамыз.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2021 й. 327-сон "2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси табиий-хомашё ва минерал ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича хомашё базасини кенгайтириш ҳамда шу асосда қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикасида ов қилиш муддатлари (ЎзР 08.07.2020 й. ЎРҚ-627-сон "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига 2-илова)

3. Ўзбекистон Республикасининг 08.07.2020 й. ЎРҚ-627-сон "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 19.05.2020 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 19.06.2020 й. маъқуланган)

4. Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўловлар миқдорлари (ЎзР 08.07.2020 й. ЎРҚ-627-сон "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига 1-илова)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.12.2019 й. 996-сон "Тошкент ҳайвонот боғини келгусида модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

6. Тошкент ҳайвонот боғини комплекс модернизация қилиш ҳамда инфратузилма шароитларини яхшилаш бўйича Концепция (ЎзР ВМ 13.12.2019 й. 996-сон қарорига 1-илова)

7. Қишлоқ хўжалиги вазирининг 16.11.2018 й. 54-сон "Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш меъёрлари ва технологиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 20.12.2018 й. 3103-сон билан рўйхатга олинган)

8. Қишлоқ хўжалиги вазирининг 09.10.2018 й. 52-сон "Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 12.11.2018 й. 3086-сон билан рўйхатга олинган)

9. Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 12.11.2018 й. 3086-сон билан рўйхатга олинган Қишлоқ хўжалиги вазирининг 09.10.2018 й. 52-сон буйруғи билан тасдиқланган)

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2017 й. 593-сон "Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2014 й. 290-сон "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги Қарори

12. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, шунингдек, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 20.10.2014 й. 290-сон қарорига 2-илова)

13. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 20.10.2014 й. 290-сон қарорига 4-илова)

14. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 22.03.2006 й. 27-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 02.05.2006 й. 1569-сон билан рўйхатга олинган)

Эндиликда бевосита Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 октябрдаги "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги қонунини таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайми.

Мамалакатимизда ов қилиш ва у билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 октябрдаги "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг мақсади ов

қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш — ов хўжаликларида ёввойи ҳайвонларни қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланишни, муҳофаза қилиш ва қўпайтириш тадбирлари билан боғлиқ хўжалик фаолиятини илмий асосланган режалаштириш асосида амалга оширишдир.

Ушбу қонунгв мувофиқ овчиликдан фойдаланувчилар — спорт-ҳаваскорлик ва саноат овига ҳамда балиқ овлашга, овчилик хўжалигини юритишни амалга оширишга қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳуқуқ берилган жисмоний ва юридик шахслардир.

Қонун билан ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий ёналишлари, ов қилиш учун ажратилган ҳудудлар, овчилик ресурсларини излаб топиш нормалари, ов қилиш қоидалари, овчилар ва овчилик хўжаликларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ов қилиш турлари, қуроллари ва усуллари, ёввойи ҳайвонларни тутиб олганлик ва отганлик учун тўлов миқдорлари белгиланган. Ов қилинадиган ҳайвонлар популяцияси ва уларнинг яшаш муҳитининг давлат мониторинги белгиланган, ов қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар рўйхати ва турлари аниқлаштирилган. Шунингдек овчилик туризми ва чет эллик фуқаролар ов қилиш имкониятлари назарда тутиладиган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Табиий эркинлик ҳолатида яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилиш ҳисобланади. Овчи – ҳақиқий овчилик гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс, шу жумладан Ўзбекистонда вақтинча турган ва ов қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган чет эллик фуқаро.

Спорт-ҳаваскорлик, саноат мақсадида овлаш ва балиқ овлашга рухсат берилган жойлар ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган ҳудудлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 октябрдаги “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги қонунга биноан овчилик хўжаликлари қуйидагиларга бўлинади:

- давлат ташкилотлари ихтиёрида бўладиган ҳамда овчилик ва балиқчилик маҳсулотлари этиштириш ва тайёрлашга мўлжалланган давлат хўжаликлари;

- овчилик фаолияти ўрмон хўжалиги билан қўшиб олиб бориладиган ўрмон-овчилик давлат хўжаликлари;

• жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат тузилмалар томонидан ташкил этиладиган, шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида жисмоний шахслар томонидан спорт-ҳаваскорлик ови ва балиқ овлаш учун спорт-ҳаваскорлик хўжаликлари;

• амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган хусусий овчилик-балиқчилик хўжаликлари.

Шунингдек ушбу қонунга мувофиқ қуйидагилар спорт, ҳаваскорлик, саноат мақсадларида овчилик қилиш тақиқланган жойлар ҳисобланади:

• аҳоли пунктлари ерлари;

• соғломлаштириш, рекреатсион ва тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар;

• муҳофаза этиладиган ҳудудлар — агар уларнинг режимида ов қилиш белгиланмаган бўлса, шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

• корхоналар атрофидаги санитария-ҳимоя зоналари;

• сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

• аэродромлар;

• чегара зоналари;

• ҳосили йиғиштириб олингунгача — қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;

• тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар, балиқ питомниклари, ҳовуз ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари ерлари, агар ушбу объектларни кўриқлаш режимида ов қилиш ва балиқ овлашни тақиқлаш белгиланган бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 октябрдаги “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги қонунга биноан овчилик соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

• овчилик гувоҳномаси, у муомалага лаёқатли, 18 ёшга тўлган, овчилик минимуми бўйича синов имтиҳонини топширган жисмоний шахсларга овчилик жамоат бирлашмалари томонидан берилади;

• ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома, у экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари томонидан ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ рухсатнома берилганлиги учун тўлов киритилганидан кейин берилади;

• овчилик ёлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси), ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар асосида берилади ва унинг эгасига мавсумий ёки бир марталик овни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этади.

Ўзбекистон ҳудудида ёввойи ҳайвонларни ов қилиш тўлов асосида амалга оширилади. Тўловлар рухсатномада кўрсатилган ҳар бир ёввойи ҳайвон учун киритилади. Ёввойи ҳайвонларни тутишга йиллик квоталар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Фанлар академиясининг хулосасига асосан тасдиқланади.

Қуйидаги ов қилиш турлари белгиланган:

- спорт ва ҳаваскорлик мақсадида;
- саноат мақсадида;
- ўлжа олиш мақсадида;
- ёввойи ҳайвонларни ярим эркин шартларда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида сақлаш ва кўпайтириш мақсадида;
- илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш мақсадида;
- ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш мақсадида.

Ов қилиш ҳуқуқига эга бўлган чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш чет эллик фуқаролар ва туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ҳамда овчилик хўжалиги ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномада ов қилишни амалга ошириш шартлари, кўрсатилган хизматлар ва тутилган ов маҳсулоти учун ҳақ тўлаш миқдори белгиланади.

Овчилик хўжалиги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир биотехник тадбирларни ўтказиш, ёввойи ҳайвонлар сонининг ҳисобини ҳамда тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш, юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун ов қилиш жойлари ҳудудида ташкил этилади.

Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ов қилиш жойларини 3 йилдан 10 йилгача бериш тўғрисидаги шартнома қуйидагилар билан имзоланган кундан эътиборан юзага келади:

- ов қилиш жойлари ўрмон фонди ерларида жойлашган бўлса, Ўрмон фонди хўжалиги билан;
- ов қилиш жойлари ўрмон фонди таркибига кирмайдиган ерларда жойлашган бўлса, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари, шу жумладан тутиш нормалари, ов қилиш (тутиш) қуролларига қўйиладиган талаблар, тутиш муддатлари, ов қилиш ёки балиқ овлаш тақиқланган жойларни

аниқлаш тартиби, шунингдек ов қилиш ва балиқ овлаш билан боғлиқ бошқа масалалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, манфаатдор юридик шахслар билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ва ов хўжаликлари билан боғлиқ қонунчилиги овчилик ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, овчилик хўжаликларини, овчилик туризмни ривожлантириш ва уларни ҳисобга олиш, кўпайтиришнинг давлат назорати механизмларини такомиллаштириш, ёввойи ҳайвонлар сонини ва уларни тутиш нормаларини тартибга солиш учун хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг 08.07.2020 й. ЎРҚ-627-сон "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 19.05.2020 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 19.06.2020 й. маъқулланган)
2. Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўловлар миқдорлари (ЎЗР 08.07.2020 й. ЎРҚ-627-сон "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига 1-илова)
3. Қишлоқ хўжалиги вазирининг 16.11.2018 й. 54-сон "Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш меъёрлари ва технологиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 20.12.2018 й. 3103-сон билан рўйхатга олинган)
4. Қишлоқ хўжалиги вазирининг 09.10.2018 й. 52-сон "Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 12.11.2018 й. 3086-сон билан рўйхатга олинган)
5. Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 12.11.2018 й. 3086-сон билан рўйхатга олинган Қишлоқ хўжалиги вазирининг 09.10.2018 й. 52-сон буйруғи билан тасдиқланган)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2017 й. 593-сон "Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2014 й. 290-сон "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан

фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги Қарори

8. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, шунингдек, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 20.10.2014 й. 290-сон қарорига 2-илова)

9. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 20.10.2014 й. 290-сон қарорига 4-илова)